



## **Касаллик ўзича юқиши йўқ, тияра (шумланиш) йўқ, ҳома (билан фол очиш) йўқ ва сафар (ойидан бадгумон бўлиш) йўқдир. Моховдан шердан қочганингдек қочгин!» деганлар**

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Касаллик ўзича юқиши йўқ, тияра (шумланиш) йўқ, ҳома (билан фол очиш) йўқ ва сафар (ойидан бадгумон бўлиш) йўқдир. Моховдан шердан қочганингдек қочгин!» деганлар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам жоҳилият ишларининг баъзисини — улардан огоҳлантириш ҳамда барча иш Аллоҳнинг қўлида эканини ва бирор нарса Унинг амри ва тақдирисиз содир бўлмаслигини баён қилиш учун — очиқлаб бердилар. Улар қуйидагилардир: Биринчи: Жоҳилият аҳли касаллик ўз-ўзидан юқади деб ҳисоблашарди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам касаллик бемордан бошқага ўз табиати билан ўтади деб эътиқод қилишдан қайтардилар. Зеро, коинотни бошқариб турувчи Зот Аллоҳдир; дардни туширадиган ҳам, уни кўтарадиган ҳам Унинг Ўзидир. Бу (дард юқиши) фақат Унинг иродаси ва тақдири билангина содир бўлади. Иккинчи: Жоҳилият аҳли сафарга ёки тижоратга чиққанларида қушларни учуриб кўришарди. Агар қуш ўнг томонга учса, хурсанд бўлиб (яхшиликка йўйишган), агар чап томонга учса, шумланиб, ортларига қайтишган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам қушлардан бундай шумланишни тақиқладилар ва бу ботил эътиқод эканини баён қилдилар. Учинчи: Жоҳилият аҳли: «Агар бойўғли бирор уйга қўнса, унинг аҳлига мусибат етади», дейишарди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундан шумланишдан қайтардилар. Тўртинчи: Сафар ойидан шумланишдан қайтардилар. Бу ой қамарий ойларнинг иккинчисидир. Шунингдек, «Сафар — қоринда бўладиган, чорва ва одамларга юқадиган бир илон (қурт) бўлиб, уларнинг даъвосича, у қўтир касаллигидан ҳам юқумлироқ эмиш», деб ҳам айтилган. У зот мана шу эътиқодни инкор қилдилар. Бешинчи: Мохов касалига чалинган кишидан худди шердан қочгандек узоқлашишга буюрдилар. Бу эса нафсни эҳтиёт қилиш, саломатликни кўзлаш ва Аллоҳ буюрган сабабларни қилишдир. Мохов (жузом) — инсон аъзоларини еб битирадиган (чиритувчи) касаллик.

النجاة الخيرية  
ALNAJAT CHARITY

